

НЕМИС ТИЛИДА ОҒЗАКИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Мерганова Нигора Мамадодиловна

ФарДУ катта ўқитувчиси, п.ф.ф.д. (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8047536>

Чет тил машғулотларида талабаларнинг оғзаки нутқини ривожланишига ёрдам берувчи шарт-шароитлар ва методик тамойилларнинг аҳамияти жуда каттадир. Аутентик матн турларидан фойдаланиш, ролли ўйинларни дарсларда қўллаш, гапиришга ундовчи машқ турларидан фойдаланиш, дарс шаклини ўзгартириш, яъни фронтал дарс ўрнига жуфтликда ва гуруҳда ишлаш, чет тилнинг тўртала нутқ фаолияти тури кўникмасини бир-бири билан уйғунликда олиб бориш, дискурс ва ҳамкорликда гапиришни фарқлаш (бирон нарсга ҳақида маълумот бериш ва бирон киши билан суҳбат олиб бориш), грамматикани тушуниш ва қоидаларни тушунтира олишни фарқлашда ифодаланади.

Замонавий дарс тури ҳамкорликда ва гуруҳда ишлашни талаб этади, бундай дарс турида талабалар бирдамликда ишлайдилар, биргаликда мунозара ва муҳокама қиладилар. Бироқ, чет тиллар бўйича давлат таълим стандартлари, дарснинг мақсади, дарснинг режаси каби талабларга амал қилиш зарурати туфайли биз ҳар доим ҳам ноанъанавий методлардан фойдалана олмаймиз, балки машғулотнинг умумий тамойилларига, анъанавий методларга асосланган ҳолда амалий машғулотларни ташкил қиламиз. Шунинг учун ҳам чет тилни ўрганишни осонлаштиришда, тилни тез ўзлаштиришда коммуникатив ёндашувдан фойдаланилади. В.Бутцкамминг фикрига кўра, немис тилида оғзаки нутқни ривожлантиришда қуйидаги қўшимча методик тамойиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- оғзаки нутқнинг илгарिलाши тамойили. Тинглаб тушуниш ва гапириш барча малакаларнинг асоси ҳисобланади;
- нутқий йўналганлик тамойили. Тил мулоқот воситаси сифатида ўрганилиши лозим;
- чет тилда табиий нутққа яқинлашиш. Барча мулоқот шакллариининг чет тилда олиб борилиши керак;
- тизимлилик тамойили. Машқларни тизимли давом эттириш;
- генератив тамойили. Чет тилни нутқий мисоллар ёрдамида ўрганиш.
- она тили билимларига таяниш тамойили;
- индивидуал ёндашиш тамойили. Тил ўрганувчининг индивидуал хусусиятлари инобатга олиниши керак;
- чет тилни мустақил равишда ўрганиш тамойили;
- муҳимлилик тамойили. Тилда мулоқот учун энг муҳим бўлган birlikларни ажрата билиш;
- чет тилни ўрганишда руҳий ҳиссий ишончга эга бўлиш тамойили.

Г.Хенрике ва К.Риемерлар эса немис тилини яхши эгаллаш учун қуйидаги тамойилларга амал қилишни тавсия этадилар:

- тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили.

Бунда немис тили дарсларида мулоқотни талабаларнинг тил тажрибаларига суянган ҳолда ташкил этиш муҳимдир. Яъни, олдин ўзлаштирилган тил (она тили ёки иккинчи тил) кўникмаси ва нутқ малакаси ўрганилаётган чет тилга ижобий ёки салбий таъсир

қилиши назарда тутилади (тиллердаги ўхшашликлар, трансференция ёки интерференция ҳодисаси).

Интерференция ҳодисаси немис тили ва ўзбек тилида энг кўп учрайдиган ҳолат бўлиб, талабаларнинг аксари қисми сўз тартиби, отларда род категорияси ва сифатларнинг турланишини тушунишда қийинчиликка дуч келади. Шунинг учун немис тилида гапириш кўникмасини ривожлантириш инглиз ёки француз тилидан фарқли ўлароқ кўпроқ вақтни талаб қилади.

– эҳтиёж ва талабга асосланиш тамойили.

Бу тамойил дарсларни талабаларнинг чет тилни ўрганишдан мақсадлари ва қизиқишларига асосланиб ташкил қилишни назарда тутди.

– реаллик ва аниқлик тамойили.

Бунда аутентик ва реал ҳаётга яқин мавзуларни танлашга эътибор қаратилади.

– нутқ фаолиятига йўналтирилганлик.

Нутқ фаолияти турларига алоҳида аҳамият бериш, немис тилини фаолиятга йўналтирилганлик асосида ўргатиш, талабаларнинг тил ўрганиш учун сарфлаган вақти ва кучи беҳуда кетмаслигини кафолатлайди.

– рефлексия, автоматлаштириш (тушуниш, англаш). Мулоқот жараёнида мустақил фикр юритган ҳолда жавоб қайтаришга шароит яратишни кўзда тутди.

Рефлексия ўқув жараёнини такомиллаштиради. Оғзаки нутқ мунтазам равишда машқ қилиш орқали автоматлаштирилади ва натижада талабада чет тилда эркин гапириш, саволга тез жавоб бера олиш рефлексияси пайдо бўлади. Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, талабалар оғзаки нутқини ривожлантиришни рағбатлантирувчи ёки унга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш, ушбу жараёнда аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда методик саъй-ҳаракатларни амалга ошириш ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

References:

1. Wolfgang B. Zehn Prinzipien des Fremdsprachenlernens und -lehrens. In: TIMM, Johannes-Peter (Hg.): Englisch lernen und lehren: Didaktik und Englischunterricht. 1. Auflage, 6. Druck. – Berlin: Cornelsen, 2005. S. 45-52.
2. Henrici G., Riemer C. Einführung in die Didaktik des Unterrichts Deutsch als Fremdsprache mit Videobeispielen. Band 1. – Baltmannsweiler: Schneider Verlag. 1994. S. 520-521.
3. SA G'aniyevna. ISSUES OF INTERCULTURAL COMMUNICATION AND RECEPTION. IJODKOR O'QITUVCHI, 2023, 191-195.
4. Ахтямов А. Э. СВОЙСТВА РЕКЛАМНОГО ТЕКСТА //INTERDISCIPLINE INNOVATION AND SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE. – 2023. – Т. 1. – №. 8. – С. 128-130.
5. Ахтямов А. Э. РЕКЛАМНЫЕ ТЕКСТЫ И РАЗВЕРТЫВАНИЕ ТЕМЫ В РЕКЛАМНЫХ ТЕКСТАХ //PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS. – 2023. – Т. 2. – №. 22. – С. 123-126.
6. Убайдуллаев Х. НЕМИС ТИЛИДАГИ ИБОРАЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 58-61.
7. Akhtyamov A.E. ОСОБЕННОСТИ ПРАГМАЛИНГВИСТИЧЕСКОГО АНАЛИЗА ТЕЛЕВИЗИОННОЙ РЕКЛАМЫ // The Way of Science. – 2022. Т. 6. № 100. – С. 54-55.

8. Akhtyamov A.E. АНАЛИТИЧЕСКАЯ СИСТЕМА ТРАНСКРИПЦИИ РАЗГОВОРОВ ПРИ ПРАГМАЛИНГВИСТИЧЕСКОМ АНАЛИЗЕ ТЕЛЕВИЗИОННОЙ РЕКЛАМЫ // The Way of Science. – 2022. Т. 6. № 100. – С. 51-53.
9. Akhtyamov A.E. ПРАГМАЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОСТАВНЫХ ЧАСТЕЙ РЕКЛАМНЫХ ТЕКСТОВ // FarDU. ILMIY XABARLAR. – 2022. – С. 222-225
10. N Merganova, M Jaloldinova. (2023) CHET TILIDA OG 'ZAKI NUTQNI RIVOJLANTIRISHGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR. Innovative Development in Educational Activities 2 (5), 225-230.
11. N Merganova, M Jaloldinova. (2023) CHET TILDA OG'ZAKI NUTQNI RIVOJLANTIRISHGA OID TOPSHIRIQLAR. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences 2 (7), 179-183.
12. Mamadodilovna, M. N. (2020). Psychological basis of development of speech in a foreign language. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 10(12), 268-270.
13. MN Mamadodilovna. (2022) USING NON-TRADITIONAL METHODS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES. IJODKOR O'QITUVCHI. 2 (23), 68-71.
14. Ubaydullayev X. TURLI TILLARDAGI FRAZEOLOGIZMLARNING XUSUSIYATLARI //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 187-190.
15. Z Paziljanova. МАДАНИЯТЛАРАПО МУЛОҚОТНИНГ АҚШДА ПАЙДО БЎЛИШИ. Бюллетень педагогов нового Узбекистана, 2023/5/20. 31-35.
16. Z Paziljanova. MADANIYATLARARO MULOQOTDA MADANIY SHOK MASALALARI. Models and methods in modern science 2 (6), 139-142.
17. Axmadjonov Nurbek, Islomjonova Jasmina. Badiiy matnda allyuziv antroponimlarning xususiyatlari. Journal of advanced research and stability volume: 03 issue: 01 | jan - 2023 issn: 2181-2186
18. Akhmadjonov Nurbek FerSU, PhD in philology, Yusupova Mohibonu FerSU, Student. Allusive Names in Artistic Texts. Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences (IJNRAS) Volume: 02 Issue: 02 | 2023 ISSN: 2751-756X. Page 34-38